

Шундай қилиб, глобал ахборот жамиятига киришнинг турли хорижий моделларининг шарт-шароитлари ва хусусиятларини аниқлаш потенциал ҳамкорларни аниқлаган ҳолда Ўзбекистонни глобал ахборот жамиятига киритиш учун АКТ соҳаси ва институционал муҳитни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарур. ва рақобатчилар. Бизнинг нуқтаи назаримиздан, маҳаллий компаниялар ички бозорда рақобатбардош устунликка эга бўлган АКТ саноати сегментларига, шунингдек, жаҳон АКТ бозорининг узоқ муддатли ривожланиш салоҳиятига эга бўлган сегментларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Республикада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик соҳаси салоҳиятидан технологик ривожланишнинг миллий устувор йўналишларини самарали амалга ошириш учун фойдаланиш, шу билан бирга ахборот-коммуникация соҳасини “билимлар иқтисодиёти”нинг ишлаб чиқариш тармоғига айлантириш асосий вазифадир. Истиқболли тадқиқотларда ушбу муаммонинг қуйидаги асосий жиҳатларини ўрганиш талаб этилади:

республика ахборот-коммуникация соҳасини жаҳон жаҳон бозорига интеграциялаш стратегиясига концептуал ёндашувлар;

иқтисодиётнинг инновацион-ахборот турини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида институционал базани такомиллаштириш йўналишлари;

ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий омиллари (ёшлар иштироки, таълим ва бошқалар) ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари;

миллий иқтисодиётнинг короновирус пандемиясидан кейинги ривожланиши шароитида ахборот жамияти моделига ўтиш учун рағбатлантирувчи омилларни яратиш стратегиялари.

Фойдаланилган манба:

1. <https://www.gartner.com/en/newsroom/press-releases/2020-05-13-gartner-says-global-it-spending-to-decline-8-percent-in-2020-due-to-impact-of-covid19>

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ТЕХНИК МАСАЛАЛАРИ

Закимов Айбек Муратбаевич

Қорақалпоқ давлат университети, PhD

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти, жумладан аграр соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки қўлга киритилаётган ютуқ ва мувоффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш ва хўжалик юритишнинг янги ва замонавий шакллариининг ҳам ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ушбу жараёнда Қорақалпоғистон агросаноат мажмуасининг етакчи таркибий тузилмаларидан бири ҳисобланган доривор ўсимликлар

етиштириш ва қайта ишлаш тизимида ҳам таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни амалга ошириш орқали, доривор маҳсулотлар бозорини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва жаҳон бозори конъюктураси талабларига тўлиқ жавоб берадиган қилиб ривожлантириш, тармоқдаги мавжуд ресурс салоҳияти ва ички захиралардан тежамкорлик билан ҳамда самарали фойдаланишни талаб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳукумат қарорлари билан Қорақолпоғистон Республикасида қизилмияни етиштириш бўйича прогноз параметрлари келтирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 138-сонли қарорига биноан Қорақолпоғистон Республикасининг барча туманларида 2019-2023 йиллар мобайнида жами 25 000 гектар ер майдонларида янги қизилмия плантацияларни ташкил этиш прогноз параметрлари тасдиқланган.

Шунда асосий қисми Чимбой (2900 минг гектар, яъни умумий ер майдонидан 11,6 %) Кегейли (2800 минг ёки 11,2 %), Қонликўл (2700 минг гектар ёки 10,8 %), Қораўзак, Тахтакўпир (2600 минг гектар ёки 10,4 %) туманларга тўғри келади.

Мутахассисларнинг фикрича, қизилмия ҳосилини 4-5 йилдан кейин олиш мақсадга мувофиқ. Бу даврда қизилмия илдизида тўйинганлик даражаси юқори бўлар экан. Демак, 2018 йилда ташкил этилган янги плантациялардан ҳосилни 2021 йилдан йиғиб олиш мумкин бўлади.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, Қорақолпоғистон Республикасида ташкил этилган янги плантациялардан йиғиб олинadиган ҳосил жами минтақа бўйича ҳар йили 30000 тоннани, яъни 2021-2025 йиллар давомида 150000 тоннани олиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақолпоғистон Республикасида қизилмия ўсимлиги янги плантациялардан олинadиган ялпи ҳосилининг прогноз кўрсаткичлари

Т/р	Туманлар номи	Ялпи ҳосили, тонна				
		2021 йил (прогноз)	2022 йил (прогноз)	2023 йил (прогноз)	2024 йил (прогноз)	2025 йил (прогноз)
1	Тўрткўл	600	600	600	600	600
2	Беруний	600	600	600	600	600
3	Элликқалъа	600	600	600	600	600
4	Амударё	600	600	600	600	600
5	Хўжайли	1860	1860	1860	1860	1860
6	Тахياتош	600	600	600	600	600
7	Шуманой	3000	3000	3000	3000	3000
8	Қонликўл	3240	3240	3240	3240	3240
9	Кўнғирот	2880	2880	2880	2880	2880
10	Нукус	2040	2040	2040	2040	2040

11	Кегейли	3360	3360	3360	3360	3360
12	Чимбой	3480	3480	3480	3480	3480
13	Қораўзак	3120	3120	3120	3120	3120
14	Тахтақўпир	3120	3120	3120	3120	3120
15	Мўйноқ	900	900	900	900	900
Жами		30000	30000	30000	30000	30000

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари

Агар олинган ҳосилни ҳаммасини хомашё сифатида экспорт қилинса, ҳар йили 9000 минг АҚШ долл. миқдоридан тушум олиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, 2021-2025 йилларда жами экспортдан тушган тушум 45000 минг АҚШ долл.ни ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида янги плантациялардан олинадиган қизилмия илдизини экспорт қилишдан тушадиган тушумнинг прогноз кўрсаткичлари

Т/р	Туманлар номи	Қизилмия илдизини экспортдан тушган умумий тушум, АҚШ долл.				
		2021 йил (прогноз)	2022 йил (прогноз)	2023 йил (прогноз)	2024 йил (прогноз)	2025 йил (прогноз)
1	Тўрткўл	180000	180000	180000	180000	180000
2	Беруний	180000	180000	180000	180000	180000
3	Элликқалъа	180000	180000	180000	180000	180000
4	Амударё	180000	180000	180000	180000	180000
5	Хўжайли	558000	558000	558000	558000	558000
6	Тахиатош	180000	180000	180000	180000	180000
7	Шуманой	900000	900000	900000	900000	900000
8	Қонликўл	972000	972000	972000	972000	972000
9	Қўнғирот	864000	864000	864000	864000	864000
10	Нукус	612000	612000	612000	612000	612000
11	Кегейли	1008000	1008000	1008000	1008000	1008000
12	Чимбой	1044000	1044000	1044000	1044000	1044000
13	Қораўзак	936000	936000	936000	936000	936000
14	Тахтақўпир	936000	936000	936000	936000	936000
15	Мўйноқ	270000	270000	270000	270000	270000
Жами:		9000000	9000000	9000000	9000000	9000000

Изоҳ: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Агар ушбу хомашёни қайта ишлаган тарзда, хусусан экстракт шаклда экспорт қилинса, бу тушум йилига 25 000 минг АҚШ долл.ни, яъни 2021-2025 йиллар даврида 125 000 минг АҚШ долл. ни ташкил этади (3-жадвал).

Кўриниб турибдики, қайта ишланган маҳсулот иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Агар бу экстрактдан бошқа қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулот тайёрлаб, сотилса, тушум янада юқори бўлади.

Лекин амалиётда ҳам қизилмия илдизи, ҳам уни қайта ишланган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар – экстракт, слайс, гранулалар, кукун ва

бошқа ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек тайёр маҳсулотлар – дори воситалар, озиқ-овқат кўшимчалар ва бошқалар экспорт қилинмоқда.

Шу боис келгусида қизилмия илдизи ва қизилмия экстрактини тайёрлаш ва уни экспорт ҳажмини эксперт усули билан прогноз қиламиз.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, қизилмияни қайта ишлаш жараёнлари жадаллашишиш орқали 2021-2025 йилларда қизилмия илдинини экспорт қилиш ҳажми деярли уч баробар, яъни 7562,1 тоннадан (2021 йил) 2520,0 тоннагача (2025 йилда) камайиб, ундан тушган тушум эса 1 тонна ҳисобига 703,3 АҚШ долл.дан (2021 йил) 1238,1 АҚШ долл.гача (2025 йил) кўпайиши мумкин.

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида янги плантациялардан олинадиган қизилмиядан тайёрланган ярим маҳсулот (экстракт)ни экспорт қилишдан тушадиган тушумнинг прогноз кўрсаткичлари

Т/р	Туманлар номи	Қизилмия экстрактини экспортдан тушган умумий тушум, АҚШ долл.				
		2021 йил (прогноз)	2022 йил (прогноз)	2023 йил (прогноз)	2024 йил (прогноз)	2025 йил (прогноз)
1	Тўртқўл	500000	500000	500000	500000	500000
2	Беруний	500000	500000	500000	500000	500000
3	Элликқалъа	500000	500000	500000	500000	500000
4	Амударё	500000	500000	500000	500000	500000
5	Хўжайли	1550000	1550000	1550000	1550000	1550000
6	Тахиатош	500000	500000	500000	500000	500000
7	Шуманой	2500000	2500000	2500000	2500000	2500000
8	Қонликўл	2700000	2700000	2700000	2700000	2700000
9	Қўнғирот	2400000	2400000	2400000	2400000	2400000
10	Нукус	1700000	1700000	1700000	1700000	1700000
11	Кегейли	2800000	2800000	2800000	2800000	2800000
12	Чимбой	2900000	2900000	2900000	2900000	2900000
13	Қораўзак	2600000	2600000	2600000	2600000	2600000
14	Тахтакўпир	2600000	2600000	2600000	2600000	2600000
15	Мўйноқ	750000	750000	750000	750000	750000
Ҳаммаси:		25000000	25000000	25000000	25000000	25000000
Жами:		125000000				

Изоҳ: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Акс ҳолатни қизилмия экспортида кўришимиз мумкин, бу ярим маҳсулотни сотиш ҳажми деярли 2,5 баробар, яъни 3474,9 тоннадан (2021 йил) 8850,0 тоннагача (2025 йилда) кўпайиб, ундан тушган тушум эса 1 тонна ҳисобига 4415,8 АҚШ долл.дан (2021 йил) 3196,2 АҚШ долл.гача (2025 йил) тушиши мумкин. Бу истиқболда қизилмия экстрактига бўлган

талаб тушиши ва тайёр маҳсулотга бўлган талабининг ошиши билан изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида қизилмия ўсимлигини етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни кўпайтириш тўғрисида”ги (ПФ-2970 сонли 2017 йил 16 май) қарори.

2. М.Ю.Ибрагимов, М.Х.Гаипов, А.Закимов. Қарақалпақстан Республикаси аймақларида боян өсимлигин егип көбейтиў хэм жетистириў агротехнологиясы. Оқыў методикалық қолланба. Нөкис «Қарақалпақстан» баспа, 2019 жыл 35-бет

MEHMONXONA BIZNESINI TASHKIL QILISH VA RIVOJLANTIRISHNING OBYEKTIV ZARURATI

Mardonova Dilrabo Shirinboyevna
“Ipak yo‘li” xalqaro
Turizm va madaniy meros universiteti
tayanch doktoranti

Mehmonxona biznesini tashkil etish va rivojlantirishning obyektiv zarurati so‘nggi yillarda mehmondo‘stlik xizmatlariga talab ortib borayotganligi sababli tobora ko‘proq namoyon bo‘lmoqda. Ushbu maqolada raqobatbardosh bozorda gullab-yashnashi uchun mehmonxonalar yaxshi tuzilgan tashkilotga ega bo‘lishi va rivojlanishga e‘tibor qaratish nega muhimligi sabablarini o‘rganilgan. Bundan tashqari samaradorlikni oshirish, mijozlar ehtiyojini qondirish va resurslarni samarali boshqarish kabi samarali tashkilotning afzalliklari o‘rganilgan.

Shu bilan birga, mehmonxona sanoatida uzluksiz rivojlanishning muhimligini, jumladan, innovatsiyalarga bo‘lgan ehtiyojni, mijozlarning o‘zgaruvchan talablariga moslashishni va texnologiyadan foydalanishni muhokama qilingan. Maqolada mehmonxonalar tashkil etish va rivojlantirish nuqtai nazaridan duch keladigan potensial muammolar ta‘kidlangan va ushbu muammolarni bartaraf etish uchun qabul qilinishi mumkin bo‘lgan strategiyalar va eng yaxshi amaliyotlar haqida tushunchalar berilgan. Umuman olganda, maqola mehmonxona biznesining muvaffaqiyatida tashkil etish va rivojlantirishning muhim rolini ta‘kidlaydi.

Bugungi kunda jahon iqtisodiyotining eng yirik tarmoqlaridan biri bo‘lgan mehmonxona biznesi jadal sur‘atlar bilan rivojlanib kelmoqda. Turistlar sonining keskin darajada ortishi, dunyo aholisining sayohat qilishga bo‘lgan istagi va talabining rivojlanishi turizm infratuzilmasiga sezilarli darajada ta‘sir ko‘rsatmoqda. Bu esa, o‘z navbatida mehmonxona biznesini yanada rivojlanishiga katta turtki bo‘lmoqda.

Hozirda mehmonxonalar va ularning kuchli va zaif tomonlarini aniqlash, xizmatlar samaradorligini oshirish, kelajakda o‘sish sur‘atlarini bashorat qilish, strategik qarorlarning oqibatlarini oldindan bilish, marketing dasturining harakatlarini baholash, xizmat ko‘rsatishni kengaytirishning mehmonxonaning kelajakdagi moliyaviy holatiga ta‘siri, mehmonxona samaradorligini bir tarmoqda